

**Мардонов Баҳодир Бахронович.**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
«Тармоқлар иқтисодиёти» кафедраси катта  
ўқитувчиси, PhD

**Эрдонов Мухаммадамин Эрдон ўғли,**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти 2-  
курс магистранти

# ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНИШИДА КАДРЛАР МАСАЛАСИ

УДК: 331:338.46

---

## **МАРДОНОВ Б.Б., ЭРДОНОВ М.Э. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНИШИДА КАДРЛАР МАСАЛАСИ**

Мақолада хизмат кўрсатиш соҳасини юқори суръатларда ривожланишида кадрлар салоҳияти таҳлил этилган. Унда олий маълумотли кадрлар соҳани ривожланишида муҳим аҳамиятни касб этиши кўрсатиб берилган. Шунингдек хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқлари кесимида олий, ўрта махсус маълумотли кадрлар моҳияти таҳлил этилган ва муаммо ечими бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Таянч иборалар: даромад, ялпи ички маҳсулот, меҳнат унумдорлиги, тадбиркорлик, меҳнат бозори, инвестиция, бандлик.

---

## **МАРДОНОВ Б.Б., ЭРДОНОВ М.Э. ВОПРОСЫ КАДРОВ В РАЗВИТИИ СФЕРЫ УСЛУГ**

В статье анализируется роль кадрового потенциала в развитии сферы услуг высокими темпами. Показано, что кадры с высшим образованием играют важную роль в развитии отрасли. Также в секторе услуг была проанализирована роль кадров с высшим, средним специальным образованием и разработаны предложения по решению проблем

Ключевые слова: доход, валовой внутренний продукт, производительность труда, предпринимательство, рынок труда, инвестиции, занятость.

---

## **MARDONOV B.B., ERDONOV M.E. PERSONNEL PROBLEMS IN THE DEVELOPMENT OF THE SERVICE SECTOR**

There is analyzed in the article human resources potential in the development of the service sector at a high rate. It is shown that personnel with higher education play an important role in the development of the industry. Also were analyzed problems of the personnel with higher, secondary specialized education in the services sector, and proposals for solving existing problems developed.

Key words: income, gross domestic product, labor productivity, entrepreneurship, labour market, investment, employment.

**Кириш.**

Ўзбекистонда кадрлар муаммоси ва салоҳияти иқтисодий ислохотларнинг асосий негизини ташкил қилади. Улар иқтисодиётнинг барча соҳаларида асосий омил сифатида иштирок этади, яъни ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида янги техника ва технологиялар киритилган бўлса-ю, уни амалга оширадиган малакали мутахассислар бўлмаса, иқтисодий самардорликни ошириб бўлмайди.

Хизмат кўрсатиш соҳасида айланма маблағларнинг тез айланиши, ушбу соҳада тадбиркорликни ривожланиши ишлаб чиқариш соҳасига қараганда осон кечиши, доимо хизматларга эhtiёжнинг пайдо бўлиши каби хусусиятлари соҳани миллий иқтисодиётда жадал ривожланишига имкон беради. Модомики, хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётда мослашувчанлиги юқори ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида катта роль ўйнаётган экан, ушбу соҳада банд ходимлар зиммасига катта масъулият юклатилади. Шу сабабли хизмат кўрсатиш соҳасида ходимлар малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш, хориж мамлакатларига тажриба алмашишга юбориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида шундай дейилган "... жамиятимизда олий маълумотга эга, юксак малакали мутахассислар қанча кўп бўлса, ривожланиш шунча тез ва самарали бўлади"<sup>1</sup>.

Иқтисодчи олимлар Х.Риндерманн, М.Сейлар ва Ж.Томпсонлар ўзларининг тадқиқотларида ижтимоий тараққиётнинг омилларига эътибор қаратиб, унда ақл ва билимга асосланган омилни алоҳида тадқиқ этишган. Уларнинг хулосаларига кўра халқнинг (IQ-intelligence quotient - интеллект даражаси) интеллект даражаси коэффициенти бир пунктга ошиши ЯИМнинг киши бошига 229 АҚШ долларга ошишини асослаб берган-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь. // "Халқ сўзи" газетаси, 2018 йил 29 декабрь, № 271-272 (7229-7230).

лар<sup>2</sup>. Демак, мамлакатда тайёрланаётган кадрлар жараёнига катта эътибор бериш лозим.

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги.**

ЯИМ таркибида хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларининг улушига қараб ушбу тармоқлардаги кадрлар салоҳиятига баҳо бериш мумкин. Масалан, 2017 йилда ахборот коммуникацион технологияларнинг ЯИМдаги улуши 2,2 фоизни ташкил этган. Ваҳоланки, ушбу кўрсаткич 2010 йилда ҳам 2,1 фоизга тенг бўлган<sup>3</sup>. Соғлиқни сақлаш тармоғининг ҳам ЯИМ таркибидаги улуши жуда кам. У 2017 йилда 0,6 фоизни ташкил этган<sup>4</sup>. Иқтисодиёти юксак ривожланган Ғарб мамлакатларида ушбу тармоқларнинг ЯИМда улуши юқори. Масалан, Францияда соғлиқни сақлаш тармоғининг ЯИМдаги улуши 10-11 фоизни, АҚШда 17-18 фоизни, Швейцарияда 12 фоизни ташкил этади<sup>5</sup>.

Ўзбекистон иқтисодиётида хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМдаги улуши охириги 10 йил ичида сезиларли даражада ўзгармаган (2010 йилда хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМдаги улуши 46,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2017 йилда ушбу кўрсаткич 47,3 фоизга тенг бўлган). Хизмат кўрсатиш соҳаси аҳоли бандлигини таъминлаш, фаровонлигини ошириш ва бошқа ижтимоий муаммоларни ҳал этишда имконияти кенг. Бироқ, бизлар ушбу соҳанинг кенг имкониятларидан мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти йўлида унумли фойдаланаётганимиз йўқ. Иқтисодиёти ривожланган Ғарб мамлакатларида эса хизмат кўрсатиш соҳаси аллақачонлар иқтисодиётнинг асосий секторига айланган. Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, ҳозирги кунда "... ривожланган мамлакатларда соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 74 фоизни, аҳоли

<sup>2</sup> Rinderman H., Sailer M., Thompson J. The impact of smart fractions, cognitive ability of politicians and average competence of peoples on social development// Talent Development & Excellence.2009. Vol.1.No.1.pp.3-25.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси (2017 йил январь-декабрь). – Тошкент: 2018.

<sup>4</sup> Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси. Статистик тўплам. - Тошкент; 2018. 19 ва 208 бетлар.

<sup>5</sup> Орлов А. Медпрактикум. Свободная медицина свободной Франции. Деловой партнер. uz // №15(991) 11-17 апрель 2013 г., 21 стр.

бандлигида 70-75 фоизни ва жами корхоналар сониди 90-95 фоизни ташкил этади<sup>1</sup>.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича вазифалар белгилаб берилган. Бизнинг назаримизда, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожланиши бўйича белгиланган вазифаларнинг ижроси кутилган натижаларни бермаяпти. Буни мамлакатимиз иқтисодиётида яратилаётган ялпи хизматлар ҳажмини аҳоли жон бошига ҳисоблаганимизда яққол кўришимиз мумкин. Масалан, республикаимизда 2015 йилда аҳоли жон бошига ялпи хизматлар 2509,0 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб ялпи хизматлар аҳоли жон бошига 4578,5 минг сўмни ташкил этди<sup>2</sup>. Ушбу вақт оралиғида мамлакатимиз иқтисодиёти ялпи хизматларни атиги 2069,5 минг сўмга ошганини ижобий баҳолаб бўлмайди. Чунки ушбу даврда нархлар индекси ҳам 12,0 пунктга ошган<sup>3</sup>.

Бизлар ушбу муаммоларни хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган кадрларнинг меҳнат унумдорлиги билан боғлиқ деб ҳисоблаймиз. Бу масалага Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев катта эътибор қаратиб, шундай деганлар: «Ҳаммамиз яхши тушунамизки, олдимизда турган кенг қўламли вазифаларни бажариш учун **кадрлар билан ишлашнинг бутун тизимини такомиллаштиришга** доир бир қатор ишларни албатта амалга оширишимиз керак»<sup>4</sup>.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган ходимларнинг малакасини ошириш, маълумот даражаси бўйича ҳам таҳлил қилиб чиқиш ва юқорида келтирилган муаммоларни ечимини топиш учун илмий тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Илмий муаммонинг қўйилиши.

<sup>1</sup> Жаҳон банкининг маълумотлари. Расмий сайти: <http://data.worldbank.org/indicator>.

<sup>2</sup> Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси. Статистик тўплам. Тошкент 2019 йил. 20 бет.

<sup>3</sup> Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси. Статистик тўплам. Тошкент 2019 йил. 20 бет.

<sup>4</sup> Слепцова Е.В., Аванесян Э.Ф. Роль кадрового потенциала в развитии организаций сферы услуг. Экономика и бизнес: теория и практика. – 2016.-№12.-с.128-130.

Меҳнат унумдорлигини оширишда ишловчиларнинг билим савияси, меҳнат малакаси ва маҳорати катта аҳамиятга эга. Олимларнинг таъкидлашларича малакали ходимларнинг меҳнат унумдорлиги оддий ходим меҳнати унумдорлигидан 2-3 баровар зиёд.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб Ўзбекистонда илм-фанни янада раванқ топтириш, вояга етаётган меҳнат ресурсларини чуқур билимга, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш рақобатбардош иқтисодиётни шакллантиришда ўта муҳим аҳамиятни касб этади. Шу билан бирга хизмат кўрсатиш соҳасида кадрларни тайёрлаш бўйича қуйидаги муаммолар мавжуд:

- биринчиси, олий таълим муассасаларида кадрларни тайёрлашда ўқитишнинг инновацион таълим шаклларида (амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, интерфаол дарслар, модулли-кредит тизими, масофали ўқитиш, blended learning (аралаш ўқитиш), маҳорат дарслари, эвристик методлар) фойдаланилаётгани йўқ. Ваҳоланки, хориж мамлакатларида битирувчилар бутун ўқув йили давомида жами бўлиб 1200-1500 дан ортиқ мураккаб вазиятли масалаларни ("Case - study") мустақил равишда бажарадилар;

- иккинчиси, хизмат кўрсатиш соҳасида жумладан соғлиқни сақлаш, туризм, молия ва банк, шунингдек, маиший техникаларга хизмат кўрсатадиган профессионал мутахассисларни тайёрлашда ҳудудлардаги меҳнат бозори ҳолати ўрганилмаяпти. Шу сабабли республикамизнинг баъзи ҳудудларида, жумладан Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм вилоятларининг чекка туманларида хизмат кўрсатиш соҳасида кадрлар танқислиги учраб турибди;

- учинчиси, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ходимларни ишга жойлаштириш, лавозимларга тайинлашда ҳамон коррупцион ҳолатлар мавжуд.

Мамлакат иқтисодиётини ривожланишида ушбу муаммолар бартараф этилмас экан, хизмат кўрсатиш соҳасида ижобий силжишлар рўй бермайди.

**Тадқиқот мақсади.**

Хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожланишида кадрлар ўрнини асослаб бериш ва соҳада кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш.

**Илмий моҳияти.**

Хизмат кўрсатиш соҳасини жадал суръатлар билан ривожлантиришда кадрлар масаласи билан боғлиқ жиҳатларини хорижлик олимлари кўп тадқиқ этишган. Жумладан Е.В.Слепцова, Э.Г.Аванесянлар ҳам хизмат кўрсатиш соҳасини ривожланишида ходимларнинг ўрни муҳим аҳамият касб этишини билдиришган. Ушбу иқтисодчи олимлар хизмат кўрсатиш соҳасини ривожланишига таъсир этувчи бир қанча омилларни таҳлил этишган. Улар орасида ушбу соҳада олий маълумотли кадрларнинг етишмаслигини олтинчи ўринда эътироф этишган ва улар хизмат кўрсатиш соҳасини ривожланишига 20 фоиз таъсир этишини асослаб беришган<sup>1</sup>.

А.Р.Гайсина, Н.И.Артемовлар хизмат кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлик муҳитининг яхшилашига бир неча муаммолар таъсир этишини ва улар орасида кадрлар масаласи алоҳида ўрин тутишини билдиришган. Ушбу иқтисодчи олимларнинг фикрига кўра, улар хизмат кўрсатиш соҳасидаги кадрлар алоҳида хусусиятга эга бўлишлари лозимлигини таъкидлашмоқда. Айниқса, мижозлар билан ишлашда уларга маҳорат, тажриба, билим ниҳоятда зарурлигини илмий тадқиқот ишларида асослаб беришган<sup>2</sup>.

Ю.П.Мухамадиева, И.И.Полупановлар ҳам хизмат кўрсатиш соҳасини малакали кадрлар билан таъминлаш ўткир муаммолардан эканлигини илмий тадқиқот ишларида асослаб беришган. Уларнинг таъкидлашларича, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ходимлар малакаси, тажрибаси,

маҳорати, қобилияти соҳани жадал ривожланишида катта аҳамият касб этади<sup>3</sup>.

Умуман олганда иқтисодчи олимларни хизмат кўрсатиш соҳасини ривожланишида кадрлар малакасининг ўрни борасидаги билдирилган фикрлари диққатга сазовор. Мавзу доирасида бундай илмий фикрларни яна узоқ давом эттириш мумкин. Бироқ, бизлар ушбу мавзунини XIII асрдаёқ долзарб бўлганлигини, ўша асрда яшаб ижод қилган ватандошимиз Паҳлавон Маҳмуд рубойиларининг мисраларида ҳам учратдик (1247-1326) - "Юз йил зиндонда ётмоқ, нодон суҳбатидан кўра яхшироқ". Гарчанд, у киши иқтисодчи бўлмаса-да, ҳозирги кунда у кишининг ўша вақтда ёзилган рубойиларидаги мисралари иқтисодий мазмунни касб этмоқда. Рубойидаги ушбу мисраларда кишилар ўз вақтларини беҳуда суҳбатлар билан ўтказмасликни, балки, меҳнат қилиш, даромад топиш, китоб ўқишга бағишласалар, ижтимоий ишлаб чиқаришда катта самара беришини баён қилиб турибди.

**Тадқиқот методологияси.**

Билишнинг аниқ усуллари йиғиндисига таянган ҳолда илмий таҳлиллар, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли ёндашув, таҳлилнинг мантиқий усуллари ҳамда натижани илмий ўрганиш услубларидан фойдаланилди.

**Асосий натижалар.**

Хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида банд аҳоли таркибида олий маълумотли кадрларнинг улуши қанчалик кўп бўлса, ушбу тармоқда сифатли хизмат кўрсатиш даражаси ҳам шунчалик юқори бўлади. Ўзбекистонда 2010 йилда иқтисодиётда банд аҳолининг 31,5 фоизи олий маълумотли кадрларни ташкил этган. 2017 йилга келиб ушбу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан атиги 1,2 мартага ошган. Бироқ, бизнинг назаримизда бу ҳали анчага кам. Тахминий ҳисобимиз бўйича 7-8 фоизга кам. Чунки ривожланган мамлакатларда, масалан, Россия Федерациясида иқтисодиётда банд бўлганларнинг 38,6 фоизи олий маълумотлилардир<sup>4</sup>.

<sup>3</sup> Распределение численности занятых в экономике по уровню образования. Российский статистический ежегодник, 2018 г. Стр.?????

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди. Ииллар?????? Бетлар???????

<sup>1</sup> Гайсина А.Р., Артемов Н.И. Современные проблемы развития предпринимательской деятельности в сфере услуг // Современные проблемы науки и образования. – 2015 – №1-1. URL: <http://science-education.ru/article/view?id=18553> (дата обращения: 02.08.2019).

<sup>2</sup> Мухамадиева Ю.П., Полупанов И.И.. Актуальные проблемы кадрового обеспечения в сфере туризма // Молодой ученый. — 2017. — №13.2. — С. 15-17. — URL <https://moluch.ru/archive/147/42016/> (дата обращения: 03.08.2019).

**1-жадвал. 2010-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасининг хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида банд аҳолининг маълумот даражаси (фоизда)**

Тармоқлар	2010 йил				2017 йил				2017 йилнинг 2010 йилга нисбатан ўзгариши, (+;-)		
	Олий	Ўрта махсус	Тўлиқсиз ўрта	Жами	Олий	Ўрта махсус	Тўлиқсиз ўрта	Жами	Олий	Ўрта махсус	Тўлиқсиз ўрта
Жами хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича	33,6	39,3	27,1	100,0	37,8	42,3	19,9	100,0	4,2	3,0	-7,2
Савдо ва умумий овқатланиш, моддий техника таъминоти, сотиш ва тайёрлов	20,8	37,7	41,5	100,0	22,7	46,2	31,1	100,0	1,9	8,5	-10,4
Уй-жой коммунал хўжалиги, аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг но ицлаб чиқариш турлари	11,5	29,6	58,9	100,0	11,7	39,8	48,5	100,0	0,2	10,2	-10,4
Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот	17,8	57,2	25,0	100,0	16,4	62,5	21,1	100,0	-1,4	5,3	-3,9
Маориф, маданият ва санъат, фан ва илмий хизмат кўрсатиш	47,9	34,5	17,6	100,0	42,2	41,4	16,3	100,0	-5,7	6,9	-1,3
Молия ва кредит	45,6	43,4	11,0	100,0	54,9	38,1	7,0	100,0	9,3	-5,3	-4,0
Бошқалар	42,0	38,1	19,9	100,0	40,5	43,1	16,4	100,0	-2,5	5,0	-3,5

Биринчи жадвал маълумотлари хизмат кўрсатиш соҳасининг савдо ва умумий овқатланиш, моддий техник таъминоти, сотиш ва тайёрлов тармоқларида олий маълумотлилар 2017 йилда 2010 йилдагидан атиги 1,9 пунктга ошганлигини кўрсатди. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ушбу тармоғида олий маълумотли кадрларнинг ошиб бориши, тармоқ салоҳиятининг ошаётганлигидан далолат беради. Лекин соҳанинг уй-жой коммунал хўжалиги, аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари тармоғида олий маълумотлилар ўзгармаган. 2017 йилда ушбу тармоқда банд аҳолининг 11,7 фоизи олий маълумотли кадрларни ташкил этган бўлса, 2010 йилда ҳам ушбу тармоқда банд бўлганлар таркибида 11,5 фоизи олий маълумотли кишиларни ташкил этган.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг баъзи тармоқларида олий маълумотли кадрлар камай-

ган. Масалан, 2010 йилда хизмат кўрсатиш соҳасининг соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот тармоғидаги банд аҳолининг 17,8 фоизи олий маълумотли кадрларни ташкил этган. 2017 йилга келиб бу кўрсаткич 16,4 фоизни ташкил этиб, 2010 йилга қараганда 1,4 пунктга камайган. Ўрта махсус маълумотли кадрлар эса 5,3 пунктга ошган. Бу кўрсаткичлар ушбу тармоқда ижобий ўзгаришлар рўй бермаганлигидан далолат беради. Ваҳоланки, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот хизматларига доимо талаб бор. Ҳар доим аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиши лозим. Шу нуқтаи назардан қаралганда олий маълумотли ходимлар сонини камайиб бориши сифатли тиббий хизматлар кўрсатилмай қолаётганлигидан далолат беради. Шу сабабли фуқароларимизнинг кўпчилиги хориж мамлакатларга бориб тиббий хизматлардан фойдаланаяпти.

2-жадвал. Ўзбекистонда меҳнат унумдорлигининг ҳолати<sup>1</sup>

Йил-лар	Ишлаб чиқариш соҳаси		Хизмат кўрсатиш соҳаси		Хизмат кўрсатиш соҳасининг ишлаб чиқариш соҳасига нисбатан ўзгариши, (+: -)	
	банд аҳоли улуши, фоиз	меҳнат унумдорлиги (минг сўм)	банд аҳоли улуши, фоиз	меҳнат унумдорлиги (минг сўм)	банд аҳоли улуши, фоиз	меҳнат унумдорлиги (минг сўм)
2000	58,9	398,7	41,1	326,2	-17,8	-72,5
2005	55,4	1 736,3	44,6	1 292,1	-10,8	-444,2
2006	54,7	2 232,4	45,3	1 727,5	-9,4	-504,9
2007	54,8	2 745,6	45,2	2 776,8	-9,6	+31,2
2008	54,6	3 349,1	45,5	3 332,8	-9,2	-16,3
2009	47,9	4 680,3	52,1	3 842,5	+4,2	-837,8
2010	47,8	5 660,3	52,2	5 247,7	+4,4	-412,6
2015	46,8	13 546,4	53,2	12 751,9	+6,4	-794,5
2016	46,2	14 405,6	53,8	15 724,1	+7,6	+1 318,5
2017	50,3	19 459,8	49,7	17 381,3	-0,6	-2 078,5

Бу борада ҳам мамлакатимиз раҳбари шундай деганлар: "... диагностика даражасининг пастлиги ва врачларнинг малакаси етарли эмаслиги натижасида йилига 30 мингдан зиёд юртдошимиз даволаниш учун хорижий мамлакатларга боришга ва оила бюджетидан катта маблағ сарфлашга мажбур ..."<sup>1</sup>.

2017 йилда хизмат кўрсатиш соҳасининг маориф, маданият ва санъат, фан ва илмий хизмат кўрсатиш тармоғидаги банд аҳолининг 42,2 фоизи олий маълумотли кадрларни ташкил этди. 2017 йилда олий маълумотли кадрлар 2010 йилга нисбатан қарийб 6,0 пунктга камайган. Бу ҳолатни ҳам ушбу тармоқда бандлик даражасининг ошганлиги билан изохлаш мумкин. Чунки шу давр мобайнида тармоқдаги бандлик даражаси 102,2 фоизга ошган. Ўрта махсус маълумотли кадрлар эса қарийб 7,0 пунктга ошган. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ушбу тармоғидаги олий маълумотли кадрлар мамлакат иқтисодиётида инновацион ғояларни яратишда муҳим аҳамият касб этади. Бироқ, тармоқда ўрта махсус маълумотли кадрларнинг ўсиш суръати, олий маъ-

лумотли кадрларнинг ўсиш суръатига нисбатан ортиқ. Шунинг учун ҳам бу тармоқдаги кадрларни маълумот даражаси ошириб борилса мақсадга мувофиқ деб биламиз.

2017 йилда хизмат кўрсатиш соҳасининг молия, кредит ва банк тармоғидаги банд аҳолининг 54,9 фоизи олий маълумотли кадрларни ташкил этган бўлиб, 2010 йилга нисбатан 9,3 пунктга ошган.

Таҳлиллар Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида ишлаб чиқариш соҳасига нисбатан кадрлар салоҳиятининг ошиб бораётганлигини кўрсатди. Бироқ, хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожланиши учун соҳада олий маълумотли ходимларнинг 1,2 ёки 2,3 пунктга ошаётгани мамлакатимиз иқтисодиёти учун камлик қилади деб ҳисоблаймиз.

**Хулоса ва таклифлар.**

Ҳозирги кунда республикаимиз аҳолиси 33,0 миллион кишидан ошиб кетди. Статистик маълумотлар хизмат кўрсатиш соҳасида олий маълумотли ходимлар 1,2 ёки 2,3 пунктга ошаётганини кўрсатмоқда. Бизнинг фикримизча, хизмат кўрсатиш соҳасининг тармоқларида олий маълумотли ходимлар сонини ошиб бориши ва улар соҳада банд бўлган ходимларнинг камида 50 фоизини ташкил этиши керак.

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. "Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак" мавзусида мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза. – Т.: "Ўзбекистон", 2017. – 18 бет.

<sup>2</sup> Жадвал Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ҳисобланди. Йиллар????? Бетлар???????

Ҳисоб-китобларимиз 2017 йилда мамлакатимиз иқтисодийётида банд бўлган олий маълумотли ходимлар сони умумий аҳолининг 15,3 фоизини ташкил этишини аниқлади<sup>1</sup>. Ушбу кўрсаткич 2000 йилда 6,5 фоиз бўлган. 17-18 йил ичида олий маълумотли ходимларнинг қарийб 10 фоизга ошиши жуда кам. Чунки, ривожланган мамлакатларда олий маълумотлилар жами аҳолисининг 50 фоиздан кам эмас. Масалан, Канадада олий маълумотлилар жами аҳоли сонининг 52,6 фоизини, Россия Федерациясида 53,5 фоизини, Япония ва Исроилда 46,6 фоизини ташкил этади<sup>2</sup>.

Ҳисоб-китобларга қараганда 2015 йилда хизмат кўрсатиш соҳасидаги меҳнат унумдорлиги ишлаб чиқариш соҳасидаги меҳнат унумдорлигига қараганда 794,5 минг сўмга кам бўлган. Бироқ 2016 йилда хизмат кўрсатиш соҳасидаги меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи ишлаб чиқариш соҳасидаги меҳнат унумдорлиги кўрсаткичига нисбатан 1318,5 минг сўмга кўп. 2017 йилда меҳнат унумдорлик кўрсаткичи яна камайган (2-жадвал). Ушбу соҳада бундай ўзгаришларни кадрлар салоҳияти билан изохлаш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидаги тақлифларни ўринли деб биламиз:

Биринчидан, Олий таълим муассасаларида профессор ўқитувчилар кадрларни тайёрлашга масъул. Бироқ бугунги кунда уларнинг кўп вақти аудитория соатларини бажаришга сарфланмоқда (ҳозирда илмий даражали профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юкламасида 850-900 соат аудитория соатларини ташкил этади). Амалий машғулотларни ташкил этишда юқорида айtilган вазиятли масалаларни (Кейс-стади) тайёрлашга имкон бўлмаяпти. Шунинг учун олий ўқув юртларидаги илмий даражали профессор-ўқитувчиларнинг аудитория соатларини камайтириш, унинг ўрнига талабалар билан биргаликда илмий-тадқиқот ишларини бажаришга алоҳида соатлар ажратилса ва илмий-тадқиқот гуруҳларини (15 нафардан иборат академик гуруҳлар) ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

<sup>1</sup> Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси. Статистик тўплам Т.: 2018.-Б. 54.

<sup>2</sup> <https://tileinfo.ru/naseleniya-s-vysshim-obrazovaniem-strany-s-samym-vysokim-urovнем/>. (Мурожаат қилинган сана: 15.02.2020 й.)

Иккинчидан, олий таълим муассасалари ўртасида олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш борасида рақобатни таъминлаш. Бунда олий таълим муассасалар сонини ошириш мақсадга мувофиқ деб биламиз.

Учинчидан, олий таълим муассасаларида талабалар орасида намунали хулқи ва аъло ўқиши билан ажралиб юрган, иқтидорли талабаларга олий ўқув юртининг махсус тавсияномасини ишлаб чиқиш ва шу орқали ишга жойлаштирилса, битирувчиларни ишга қабул қилиш жараёнида шаффофлик таъминланади. Тавсияномалар олий ўқув юртининг махсус кафедраларнинг профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланиши лозим.

Тўртинчидан, ўрта махсус маълумотли кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш. Ҳозирги кунда олий маълумотли кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш масалалари талаб даражасида ташкил этилган. Бироқ, ўрта махсус маълумотли кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш борасида ишларни амалга ошириш имкониятлари чегараланган. Уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлайдиган бирон-бир билим юртлари йўқ. Ваҳоланки, улар олий маълумотли кадрлар билан тенгма-тенг фаолият юритиб келмоқда. Бизнинг назаримизда, бу муаммони ҳал этиш йўлларида бири ўқитишнинг инновацион таълим усулларида, ривожланган мамлакатларнинг бу борадаги илғор тажрибаларидан фойдаланиш лозим.

Хизмат кўрсатиш соҳаси мамлакат тараққиётини таъминлайдиган асосий соҳалардан биридир. Уни олий маълумотли етук мутахассислар билан таъминлаш ва уларни иш фаолиятидаги мониторингини юритиш соҳани ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Меҳнат ресурслари ишлаб чиқариш омиллари ичида ноёб ресурс ҳисобланади. Меҳнат ресурсини ўқимишли, маданиятли қилиш учун камида 20 йил умр сарфланади. Шундай экан уларни меҳнатини муносиб рағбатлантириш ва соҳаларда меҳнат натижаларига қараб лавозимларини оширилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

**Адабиётлар рўйхати:**

1. Мирзиёев Ш.М. «Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак» мавзусида мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. - <http://uza.uz/oz/politics/erkin-va-farovon-demokratik-zbekiston-davlatini-mard-va-olizh-14-12-2016> (Электрон ресурс. 2020 йил 12 мартда мурожаат этилган).
3. Слепцова Е.В., Аванесян Э.Ф. Роль кадрового потенциала в развитии организаций сферы услуг. Экономика и бизнес: теория и практика. – 2016.-№12.-с.128-130.
4. Гайсина А.Р., Артемов Н.И. Современные проблемы развития предпринимательской деятельности в сфере услуг// Современные проблемы науки и образования.–2015–№1-1. URL: <http://science-education.ru/ru/article/view?id=18553> (дата обращения: 02.08.2019).
5. Мухаммадиева Ю.П., Полупанов И.И. Актуальные проблемы кадрового обеспечения в сфере туризма // Молодой ученый. — 2017. — №13.2. — С. 15-17. — URL <https://moluch.ru/archive/147/42016/> (дата обращения:03.08.2019).
6. Распределение численности занятых в экономике по уровню образования. Российский статистический ежегодник-2018г.
7. Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси. Статистик тўплам. Т.: 2018.-Б. 54.
8. Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси (2017 йил январь-декабрь). Тошкент 2018 йил.